









«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ
«ТОШКЕНТ ШАҲАР СИНОВ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ»
ДАВЛАТ КОРХОНАСИ


Манзил:Тошкент шахри, Равнақ кўчаси, 1 Б.
Тел: (+99871) 150-38-70, 150-38-35, 268-30-15
Факс: (+99871) 150-38-88
info@tashsert.uz, www.tashsert.uz

Манзил: Тошкент шахри, Фаробий кўчаси 333 А.
Тел: (+99871) 246-28-13, (+99895) 145-09-83
info@tashsert.uz, hbl@tashsert.uz


# «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ «ТОШКЕНТ ШАҲАР СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

# “SGS Tashkent Ltd.” ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ



**“Ўзстандарт” агентлиги томонидан “SGS Tashkent Ltd.” хорижий корхонаси билан йўлга қўйилган ҳамкорлик.**

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш сохасини ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бажарилган синовларни хорижий давлатларда тан олинишини таъминлаш мақсадида “Ўзстандарт” агентлиги “Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази” ДКнинг «Кимё-биология» синов лабораторияси 2016 йилда халқаро даражада аккредитациядан ўтказилди ва “SGS” хорижий корхонаси билан ҳамкорликни йўлга қўйди.





Халқаро аккредитация ва “SGS” хорижий корхонаси билан тузилган ҳамкорлик шартномаси хозирги кунда “Кимё-биология” синов лабораториясида амалга оширилган синовлар ҳамда расмийлаштирилган синов баённомаларини хорижий давлатларда тан олинишига замин яратди.

Шунингдек, мазкур лабораторияни SGS халқаро лаборатория маълумотлари тизимига (SLIM) уланди ва бу билан лабораториянинг фаолиятига тегишли барча маълумотларни сақлаб қолиниши ва ишончлилиги таминланди.

Бу эса синов лабораторияси томонидан бажарилган ишларнинг тан олиниши ва дунёнинг барча мамлакатларида қабул қилиниши учун имконият яратди.





“SGS” компаниясининг дунё бўйлаб 1800 дан ортиқ тармоқлари – офиси ва лабораториялари мавжуд бўлиб, 140 та давлатда фаолият юритади.

SGS ва “Ўзстандарт” агентлиги ўртасида озиқ-овқат лабораториясини бошқариш лойиҳасининг мақсади Божхона Иттифоқи мамлакатларида ва Европа ҳамжамиятида Ўзбек мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда Республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришдир. SGS гуруҳи назорат, текширув, синов ва сертификатлаштириш соҳасида дунё миқёсида етакчи ташкилот бўлиб, 140 йиллик тарих ва дунё бўйлаб юқори мавқеига эга. Шу сабабли, SGS бундай лойиҳа учун энг муносиб ҳамкор сифатида танланди. SGS Ўзбекистон бозорида, 1995 йилдан буён, яъни 20 йилдан ортиқ муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

